

9-10-2020

## MORPHOLOGICAL ANALYSIS OF TERMS IRRIGATION AND MELIORATION IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Oybek Saporbayevich Akhmedov

*Uzbek state world languages university Professor, doctor of philology science*

Sayyora Azimjanovna Nazarova

*Teacher of Tashkent Institute of Finance*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Akhmedov, Oybek Saporbayevich and Nazarova, Sayyora Azimjanovna (2020) "MORPHOLOGICAL ANALYSIS OF TERMS IRRIGATION AND MELIORATION IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 41.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/41>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## MORPHOLOGICAL ANALYSIS OF TERMS IRRIGATION AND MELIORATION IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

УДК: 81443

## **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

**«Инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»**

**Гёте**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

**профессори, филология фанлари доктори**

**Тел: 94 618 78 02 e-mail: [ahmedov.oybek@mail.ru](mailto:ahmedov.oybek@mail.ru)**

**Назарова Сайёра Азимжоновна**

**Тошкент молия институти ўқитувчиси**

**Тел: 97 765 11 30 e-mail: [sayyoranazarxon83@gmail.com](mailto:sayyoranazarxon83@gmail.com)**

***Аннотация:** Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлиliga багишланган. Унда соҳага оид терминлар қийсий-типологик йўсинда атрофлича таҳлил ва тадқиқ этилган. Терминларнинг ясалиши (ҳосил бўдиши)да сермахсул ҳисобланган аффиксация усулига алоҳида эътибор қаратилган ва мазкур усулда ясалаган терминлар таҳлилга тортилган. Шу билан бир қаторда мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги ирригация ва мелиорация терминлари лексик-семантик, функционал-семантик, систем-структур жиҳатдан моделлаштирилган. Уз навбатида терминларнинг инглизча ва ўзбекча муқобиллари ҳам берилган. Таҳлилга тортилган терминларнинг аксар қисми аффиксация усулида ясалган ўзбек тили ирригация ва мелиорация терминлари бўлиб, уларнинг инглизча муқобиллари (эквивалентлари) баъзи ҳолларда алоҳида лексема сифатида берилса, айрим ҳолларда эса сўз бирикма ёхуд қўшма сўз шаклида берилиши аниқланди.*

***Калит сўзлар:** ирригация ва мелиорация терминлари, аффикс, лексик-семантик таҳлил, морфологик таҳлил, сўз ясовчи қўшимча, сугориш, морфемик элемент, лексема.*

## **МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ УЗБЕКСКОГО И АНГЛИЙСКОГО ТЕРМИНОВ ОРОШЕНИИ И МЕЛИОРАЦИИ**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич**

**Узбекский государственный университет мировых языков**

**профессор, доктор филологических наук**

**Тел: 94 618 78 02 e-mail: [ahmedov.oybek@mail.ru](mailto:ahmedov.oybek@mail.ru)**

**Назарова Сайёра Азимжоновна**

**Ташкентский финансовый институт**

**Преподавательница**

**Тел: 97 765 11 30 e-mail: [sayyoranazarxon83@gmail.com](mailto:sayyoranazarxon83@gmail.com)**

***Аннотация:** Данная статья посвящена морфологическому анализу терминов орошение и мелиорация земель на английском и узбекском языках. Он обеспечивает*

комплексный сравнительный и типологический анализ и изучение отраслевых терминов. Особое внимание уделяется методу прикрепления, который считается продуктивным при построении терминов, и анализируются термины, созданные этим методом. Кроме того, в статье смоделированы лексико-семантически, функционально-семантически, систематически-структурно моделируемые условия орошения и мелиорации на узбекском и английском языках. Английские и узбекские альтернативы также предоставлены. Выяснилось, что большинство анализируемых терминов содержат узбекские термины ирригации и мелиорации, а их английские альтернативы иногда даются в виде отдельной лексемы, а в некоторых случаях в форме составного слова.

**Ключевые слова:** термины ирригация и мелиорация, суффикс, лексический анализ, морфологический анализ, словообразовательный суффикс, морфемный элемент, лексема.

## **MORPHOLOGICAL ANALYSIS OF TERMS IRRIGATION AND MELIORATION IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES**

Akhmedov Oybek Saporbayevich

Uzbek state world languages university

Professor, doctor of philology science

Tel: 94 618 78 02 e-mail: [ahmedov.oybek@mail.ru](mailto:ahmedov.oybek@mail.ru)

Nazarova Sayyora Azimjanovna

Teacher of Tashkent Institute of Finance

Tel: 97 765 11 30 e-mail: [sayyoranazarxon83@gmail.com](mailto:sayyoranazarxon83@gmail.com)

**Annotation:** *This article is devoted to the morphological analysis of the terms irrigation and melioration in English and Uzbek. It provides a comprehensive comparative and typological analysis and study of industry-specific terms. Special attention is paid to the affixation method, which is considered to be productive in the construction of terms (formation), and the terms created by this method are analyzed. In addition, the terms of irrigation and melioration in Uzbek and English are lexically-semantically, functionally-semantically, systematically-structurally modeled in the article. English and Uzbek alternatives to the terms are also given. It was found that most of the analyzed terms are affixed Uzbek irrigation and melioration terms, and their English alternatives are sometimes given as a separate lexeme, and in some cases in the form of a word combination or compound word.*

**Key words:** *terms irrigation and melioration, suffix, lexical analysis, morphological analysis, word-building suffix, irrigation, morphemic element, lexeme.*

Бугунги глобаллашув даврида халқаро алоқаларнинг аҳамияти ва ўзаро ижтимоий мулоқот шакллари тўғри ташкил этиш муҳимлиги кун сайин ортиб бормоқда. Сўнги йилларда дунё сиёсий харитасида, сиёсатида, иқтисодиётида, қишлоқ хўжалигида, кадриятлар ва муносабатларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг натижасида деярли барча тармоқларда, хусусан, ирригация ва мелиорация соҳаларида ҳам янги сўзлар, тушунчалар, терминлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сон қарори [1], Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 11-августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 610-сон қарори [2], ҳамда 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сон қарорлари ёш авлодни чет тилларига ўқитиш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда унинг таркибий соҳаларида хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро мулоқотни ривожлантиришлари учун шароит ва имкониятлар яратди. Бундан ташқари айнан ирригация соҳасига оид сўнги қарор ва фармонларнинг яратилиши ҳам ушбу соҳада қилинаётган изланишларга катта туртки бўлиб хизмат қилади. [3]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 45-сонли қарори шулар жумласидандир. Юқорида қайд етилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш натижасида бугунги кунда республикамизда ирригация ва мелиорация тизимида катта ижобий ва самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. [4]

Илм-фаннинг йирик соҳаларидан бири тилшуносликда ҳам ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири, турли халқлар тилларини она тилимиз билан қиёслаб ўрганиш ва улар орасидаги кенг имкониятларни халқимизга етказишдир. Бунда асосан нофилологик Олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларга мутахассислик фанлар доирасидаги термин, атамаларни кенгроқ ўргатиш ва талабаларга хорижий тилларни ўргатишда фойдаланиш каби маъсулиятли вазифаларни юкламоқда. Шу маънода, қуйида келтирилган маънобаларда тилшуносликнинг аффиксация усулига ирригация терминлари мисолида кенгроқ тўхталмоқчимиз.

Қиёсланаётган аффиксация усули луғавий бирликлар яшашда сермахсул лингвистик ҳодиса саналади. Ирригация ва мелиорация соҳасига оид инглиз тили терминларининг шаклланишида аффиксация сўз ясовчи (префикс, суффикс) усулидан ташқари, терминлар “каркас” ини аниқлашда, уларнинг таркибида турли лисоний элементлар (масалан: морфемик, морфологик, семантик ва синтактик) мавжуд. Ирригация ва мелиорация терминлари таркибини аниқлашда, уларнинг ясалиш жиҳатлари (таркибий ўзгаришлари) соҳага доир изоҳли луғатларда ўз аксини топа олмаслигини эътибордан соқит қилмаган ҳолда, уларни лексик ва морфологик жиҳатдан моделлаштириш (андозалаш) лозим деб ҳисоблаймиз.

Инглиз тилида ирригация ва мелиорация терминларининг шаклланиши ва ясалишининг қуйидаги турлари мавжуд: аффиксация, синтактик, семантик (семантик-синтактик), конверсия (транспозиция).

Аффиксация орқали сўз ясаш инглиз тилида икки асосий гуруҳга бўлинади: 1) суффикслар орқали; 2) префикслар орқали. Аффиксация усулида “Суффикс ва префикслар, яъни сўз ясовчи формантлар ўзида тилнинг энг кичик (минимал) сўз ясовчи, қурилиш элементларини акс эттиради”. Айрим манбаларда аффикслар

билан қўшимчалар ўртасидаги фарқ етарлича очиб берилмаганлиги боис, бу масала бугунги кунгача изоҳталаб, мавхум бўлиб қолмоқда. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, аффикслар орқали сўзлар ясалади, қўшимчалар орқали эса грамматик формалар ҳосил қилинади. [5]

Инглиз ва ўзбек тилларида якка морфемик элементдан таркиб топган қуйидаги ирригация ва мелиорация терминлари мавжуд:

Тупроқ –soil, дренаж- foss, ditch; ўзан - chanal, қиров – frost , изобара- isobar, , нам - humid, дўл –hail, бўрон – storm, чашма – source, жала – rain, тошқин – flood, оқим-stream, ирмоқ - tributary, булоқ – spring, оқава – runoff, тўғон- dam, сол-raft, қатлам-layer, сопло-nozzle, довул-hurricane, pushta -ridge, шағал-macadam, gravel. [8]

Ирригация соҳасининг асос, якка морфемадан ташкил топган терминлардан бири “**тупроқ**” сўзини таҳлил қилар эканмиз, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да қуйидагича таърифлар берилади: 1) Ернинг қовлаш, чопиш, ҳайдаш, эзилиш ва ш.к. натижасида ҳосил бўлган юмшоқ қисми, қатлами; 2) Ер қобиғининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатлами; 3)Ўлган кишининг ҳоки; ҳок 4) Кўчма маънода: маълум юрт, ўлка, мамлакатга қарашли ҳудуд. [9]

...Воҳаларда суғориладиган ерларнинг табиий-мелиоратив шароитларини баҳолашда одатда геоморфологик, ландшафт геокимёвий ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Чунки улар бевосита дала шароити тадқиқотлари, шунингдек, **тупроқ**, грунт ва сув намуналари таҳлилига асосланади. [7]

“Soil”-1)The substance layer of the earth in which plants grow (syn earth); 2)the soil, farming as a job or as way of life; 3) smb’s native soil, your own country; 4) a place or situation where something can develop;

“Water budgets are analogous to maintaining a balanced checked checkbook. Additions of irrigation water or rainwater are “deposits” and water use by plants as well as evaporation from **soil** surface are “withdrawals”. The starting point for water budget is a **soil** saturated from either irrigation or rainfall. From that initial point of saturation, water depletion is monitored and water is applied as needed to maintain a “balanced” system to optimize”. [10]

Морфологик усулда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги 65000 га яқин сўзнинг 75–80% сўз ясовчи қўшимчалар орқали ясалганлиги фикримизни исботлайди. [1]Ҳозирги ўзбек адабий тилида 300 га яқин сўз ясовчи аффикслар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари -иш, -чилик, -лик, -(у)м, гар, -дор, -чи каби аффикслар ирригация ва мелиорация терминларининг инглиз тилидан ўзбек тилига ва, аксинча, ўзбек тилидан инглиз тилига берилишда ҳам иштирок этади. Жумладан, заҳарлилик - toxicity, йигинди бугланиш - total evaporation, қисилиш – compression, сиртқи тезлик - surface speed, тупроқ унумдорлиги - soil fertility, шўрланиш – salinity, сув билан таъминланганлик - water availability, гидравлик зарб сўндиргич – hydrouvlic shock absorber, гидравлик баландлик - hydraulic height, томчилатиб суғориш - drip irrigation.

**Мисол:** Гидравлик баландлик, сув оқимининг тўғон ўқидаги энг пастки табиий туби билан текшириладиган (бошқариладиган) сатҳи орасидаги масофа. Hydraulic

height, the distance between the lowest point of the natural flow bottom on the axis of the dam and the highest controlled (controlled) level.

Инглиз тилидаги *-ing* ва *-ment -tion* суффикслари ўзбек тилида ҳаракат номи ясовчи *-(u)ш* қўшимчасига тўғри келади. [5]

Улар ИМ терминологик тизимда фаол термин ясовчи қўшимча вазифасини бажаради. Жумладан, **capillary movement** – капилляр ҳаракатланиш; **forced replenishment of the underground pool** – ер ости ҳавзасини сунъий тўлдириш; **catchment area** - сув олиш майдони; **solidification**–қотиш; **saturation zone**– тўйиниш ҳудуди; **water-regulating drainage**– сувни ростлаш дренажи; **wilting humidity** - сўлиш намлиги; биологик тозалаш - **biological cleaning**. [6]

Мисол: Тўйиниш ҳудуди, ўтказувчи жинс ёки грунтларнинг говаклари атмосфера босимидан юқори бўлган гидростатик босимли сув билан тўлиқ қопланган литосфера қисми; ер ости сувларини ўз ичига олади. Булоқлар ва кудуқларни сув билан таъминлайди. **Saturation zone**, a part of the lithosphere in which the pores of permeable rocks or rocks are completely filled with water at a positive hydrostatic pressure that exceeds atmospheric pressure; a part of the lithosphere that contains underground water. It feeds springs and wells with water. [6]

Инглиз тилидаги *-er* ёки *-or* ўзбек тилидаги *-чи* аффиксига тўғри келувчи маҳсулдор суффикслар бўлиб, шахс отларини ясайди. У инглиз тилида феъл сўз туркумига мансуб сўзларга қўшилади ҳамда муайян касб эгаларини билдирувчи от яшаш учун хизмат қилади. Хусусан, ирригация ва мелиорация тизими доирасида куйидагича намоён бўлади: **verb+er (-or) = noun (феъл+суф/кс=от)**: суффикс- ER-OR(<Anglo – French: -er; Old French: -ier <Latin: -arius having to do with). Инглиз тилидаги *-er,-or* қўшимчалари ўзбек тилида *-чи* аффикси орқали ифодаланиши мумкин. Масалан: *planter* – *экувчи*, *grower* –*ўстирувчи*, *farmworker* – *ферма ишчиси*, *farmers* - *теримчилар*, *farm laborer* –*хўжалик юритувчи*, *dairy farmer*–*сутчи фермер*, *cultivator* – *зироатчи*, *деҳқон* ; *irrigator* – *сувчи*, *мироб*; *collector*(*зовурлар*)- *йиғувчи*, *contractor* – *пудратчи*, , *ditcher* – *ариқ қазувчи* ва б. [8]

Ўзбек тили ирригация ва мелиорация терминологиясида *-чи* аффиксидан ташқари *-ча*, *-ма*, *-ли* ва *-ий* аффикслари ҳам соҳа терминларининг ясашида анча фаол қатнашади. Инглиз тили ирригация ва мелиорация терминологиясида *-ча* аффиксини ифодаловчи ягона муқобил аффикс мавжуд эмас. Инглиз тилида у алоҳида сўзлар билан берилади: **кўп мақсадли лойиҳани амалга оширишга сарфланадиган қўшимча ҳаражатлар - additional costs for the implementation of a multi-purpose project**, **қўшимча смета- additional estimate**, **ҳовузча қилиб суғориш–watering by small pools**, **эғат бўйича суғориш–furrow irrigation**, **ортиқча суғориш–excessive irrigation**, **қўшимча суғориш-additional, irregular irrigation**, **қўшимча сув чиқармаси–additional water outlet**.

Маълумки, ўзбек тилидаги *-ли* аффиксининг вазифаси кенг қамровлидир. Унинг асосий функцияси от туркумига оид лексемаларга қўшилиб, мавжудлик маъносини ифодалаб келади. Ирригация ва мелиорация терминологиясида мазкур *-ли* аффиксли бирикмалар ўзбек тилида фаол қўлланилади. Аммо, инглиз тили терминологиясида аксарият ҳолларда аффиксиз учратиш мумкин. Масалан: *фалокатли тошқин* – *catastrophic flood*; *самарали ёмғир* – *effective rain*; *босимли кудуқ* –



*pressure rock well; эстакадали кўприк – trestle bridge; сувли жинс қаватлари – floors of water bearing; айланувчи ёмғирлатгичли тизим – a system with a rotating sprinkler; қувурли қум туткич – tubular sand trap.*

Ўзбек тили ирригация ва мелиорация терминологиясида аниқловчи қисми -ий (-вий) аффикси сифат ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимча ҳисобланиб, ирригация ва мелиорация терминологиясида -ий аффикси билан ясалган бирикмалар тез-тез учраб туради. Улар асосан бошқа соҳалар терминологик бирликлари ҳисобланиб, икки сўзнинг бирикишидан ирригация ва мелиорация терминларига айланган. Масалан: *даврий сугориш, нисбий сув захираси, мавсумий сугориш, ҳақиқий сув захираси, иқлимий шароитлар*. Ўзбекча -ий аффикси инглиз тилида алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси орқали ва -al аффикси билан ифодаланиши мумкин. Масалан: *periodical irrigation, the ratio volume of water, seasonal irrigation, actual water supply, climate condition*.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инглиз ва ўзбек тили ирригация-мелиорация терминларининг морфологик усул орқали ясаилиши ўта маҳсулдор усул бўлиб ҳисобланади. Шу маънода, морфологик усул орқали ясаладиган ирригация ва мелиорация терминларини келгуси илмий ишларимизда янада кўпроқ, атрофлича таҳлил ва тадқиқ этишда давом этишимиз мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёв Ш. М. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 2909 сон қарори, 2017 йил 20-апрел
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 610-сон қарори, 2017 йил 11-август
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сон қарори, 2012 йил 12 декабр
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 45-сонли қарори 2019 йил 18 январ
5. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш назарияси. Т.: Шарқ, 2010 й. 262 б
6. Георгов Ю. К, Фузайлов Л.И. “Мелиорация ва сув хўжалигидан русча – ўзбекча” изоҳли луғат. “Меркурий” Ташкент – 1992 йил 215 бет
7. Ирригация ва мелиорация журнали. №1(15)2019. Тошкент
8. Раҳимбоев Ф.М, Азимхўжаев Х.Е. “Гидротехникадан русча - ўзбекча луғат”., Тошкент. Ўқитувчи – 1993 йил 96 бет.
9. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”., Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, Тошкент-2008 йил.
10. Vaughn.E. Hansen, Glen.E. Stringham, Orson Winso Israelsen. Irrigation principles and practice. 1979.-417 p.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М .....	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш .....	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И .....	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ .....	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С .....	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С .....	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж .....	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П .....	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И .....	215

**10.00.00**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А .....	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А .....	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А .....	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А .....	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р .....	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н .....	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О .....	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U .....	263